

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИЛИШИ

Муқаддас СОИПНАЗАРОВА Жиззах давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси

Бўрибоева Ойдин Жиззах давлат педагогика институти талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада баркамол шахс тарбиясида Абдулҳамид Чўлпоннинг маърифий фикрларидан фойдаланиш зарурияти намоён этилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, комил инсон, жадидчилик ғояси, жоҳиллик, маърифат, фаолият, маърифатпарварлик, инсонпарварлик, миллий педагогика.

ПРОЯВЛЕНИЕ ИДЕИ ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АБДУЛҲАМИДА ЧУЛПАНА

Аннотация: В данной статье показана необходимость использования просветительских идей Абдулхамид Чулпана в воспитании гармонично развитой личности.

Ключевые слова: образование, воспитание, совершенный человек, идея джадидизма, невежество, просвещение, деятельность, просвещение, гуманизм, народная педагогика

Ўрта Осиёда комил инсон тарбиясига бўлган эътибор қадимдан илмий, фалсафий, амалий масала бўлиб келган. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизни биринчи даражали вазирамиз деб биламиз”. Баркамол шахсни тарбиялаш ғояси ҳам миллий, ҳам умуминсоний мазмун – моҳиятга эга бўлиб, инсониятни маънавият ва маърифатга юксак баркамолликка, эзгуликка олиб борувчи ғоядир. Шу сабабли баркамол шахс ва уни тарбиялаш муаммосининг ечимларни қадимдан халқимизнинг орзуси бўлиб келган.¹

Ёшларни комилликка эришишдаги омилларга алоҳида эътибор билан қаралган. Шахс камолотининг илк босғичи болалик бўлиб, катталардан ўрганиш, ўқиган, эшитган ва ривоят қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, улғайиб борган сари комиллик манбайи ибрат ва илмга кўчади. Илм ҳам аслида аждодлар ибратидир.

Абдулҳамид Чўлпон илк ижодидан бошлаб жадидчилик ғояларининг фаол тарғиботчиси сифатида миллатнинг фожеий аҳволи илдизларини

¹Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7-феврал. 2017 йил.

жоҳилликда, фарзандларини маърифатли қилмасликда кўради ва ўз адабий, маърифий фаолиятида маърифатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини намоен этади. Унинг ғоялари, жумладан «Ўзбегим», «Виждон эрки», «Кўнгил», «Халқ» ва бошқа шеърларида ифодаланган.

Чўлпон ўзининг маърифий қарашларида миллатни ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳар бир воқеалар моҳиятини аниқ англаб олишга даъват этади, шундай қилгандагина чинакам озодлик учун курашишда хатолик бўлмаслигини айтади. Чўлпон шўро ҳукуматининг «маърифат харомдур сатрга» деб халқимизни камситишидан қайғуради ва халқни сохта шиорларга алданмасликка чорлайди. У «Ўзбегим» шеърида:

Салқиллаб келасан, Ўзбегим,
Маърифат отига отланиб.
Бир мири топган боладай –
Оғзингни иржайтиб – суюниб...¹

деб халққа мурожаат қилади. Чўлпон, жабр – ситамларга сабр қилиб, «Кўз солиб, ўнгингга, чапингга» қараб юрабермаслик, юзаки ўзгаришлардан қувониб юрмаслик лозимлигини айтади. Чўлпон заминдошларини миллий маърифатни ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқда ёйишга даъват этади:

Қишлоқда фақирлар кутадур –
Кечада, кундузда, саҳарларда.
Билгилким, ҳаётинг, томиринг,
Ўзбегим, камбағал қишлоқда,² –
дейди Чўлпон.

Чўлпон озодлик кураши давом этишига, халқнинг эрк учун курашиб мустамлакачиларнинг йўқотилишига ишонади. У «Виждон» шеърида юрт озодлиги учун курашга отланганларнинг кўнгли ҳар нарсанидан, шахсий манфаатпарастликдан холи, соф бўлиши лозимлигини таъкидлайди. У элга шундай мурожаат қилади:

Ай тутқинлар, ай эзилган.
Ай қийналган йўқсил эллар.
Ай умидсиз, ай чизилган
Дор олдида ... оппоқ диллар!³

Чўлпоннинг фикрича, зулмкор кучайиб инсонларга эга бўлиши мумкин, аммо виждонга эга бўлолмайди:

Фақат эркин виждонларга
Эга бўлмоқ – мумкин эмас!⁴
деб уқтиради шоир.

¹Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 380-бет.

²Ўша китоб. 380-бет.

³Ўша китоб. 437-бет.

⁴Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 437-бет.

Чўлпон келажакка умид билан яшади, элни ҳам умид билан яшашга даъват этди. «Кўнгил» шеърида элни кўнгил мулкидаги эркинлик учун курашга ундади:

Кўнгил, сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
Не фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча сустлашдинг?¹

Чўлпоннинг таъкидлашича, кўнгил эркинлигини таъминлашнинг тугал мақсад бўлолмайди. Кўнгил ташқи олам билан боғлиқ. Мухторият мақомида яшовчи кўнгил ўзини тўлдирган эрк насимларини ташқи дунёга юбориб туриши лозим. Акс ҳолда, чиқиш имконини топмаган насимлар кўнгилни вайрон этади. Чўлпон шундай эътиқод кишисининг, унинг фикрича, «ҳақорат» ва «тубанликлар»га кўникиши кўнгилни ўлдиради. Ташқи дунёдаги бу хил ҳолатларга нисбатан исён қилмаган кўнгил охир – оқибат эркинликдан айрилади – ўлади. Кўнгилнинг яшнаши учун унинг ёниб яшаши, ташқи оламини ҳам, ўзидан андоза олган ҳолда ўзгартиришга интилиши керак.

Чўлпон замондошларига хитоб қилиб дейди:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен – да одам, сен – да инсонсан.
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсан.²

Чўлпон халқни денгиз, тўлқин, куч деб ҳис этади. Халқ қўзғалса, уни тўхтатувчи куч йўқлигига ишонади. Унинг уқтиришича, халқнинг истаги ўз ўлкасининг озод бўлишидир, халқ юртни ҳар бир нарса билан тўлдиришга, ўзини тўқ этишга қодирдир. Модомики шундай экан:

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!³ –

Деб ўз замондошларини халқ билан бирга бўлишга, мақсадларига эришишда унга кўмакдош бўлишга чорлайди.

Абдулҳамид Чўлпоннинг асарларида ифодаланган инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳақидаги фикрлар ўз даври таълим – тарбиясида алоҳида аҳамият касб этди, ёшлар маърифий онги ривожига кучли таъсир кўрсатди, ёшларнинг ўтмиш алломаларнинг ҳаёт йўллари, олға сурган ғояларини англаб олишларига ёрдам берди. Чўлпон асарларида ифодаланган маърифий фикрлар ҳозирги ёшларни баркамол қилиб етиштиришга ҳам хизмат қилмоқда, миллий педагогика тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7-феврал. 2017 йил.

¹Ўша китоб. 444-бет.

²Ўша китоб.. 408-бет.

³Ўша китоб. 408-бет.

2. Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 йил
3. Soibnazarova, M. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ТРУДА АБДУРАУФА ФИТРАТА В ОБРАЗОВАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5100>
4. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
5. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
6. Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
7. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari